

Темиров З.А.\*<sup>1</sup>

## ФАРГОНА МИНТАҚАСИ АҲОЛИСИ СОНИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ҲОЛАТИ

**Аннотация:** Уибү мақолада Фарғона минтақаси аҳолиси сони ва салмоғининг келажакдаги башорати ва кутиладиган ўзгаришилар ҳусусида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** демографик башорат, аҳоли сони, тугилиши коэффициенти, аҳоли динамикаси

### Население Ферганского региона и будущее положение

**Аннотация:** В данной статье ведется речь о численности и удельном роси населения Ферганского региона и ее ожидаемых прогнозах и изменениях в будущем

**Ключевые слова:** демографический прогноз, численности населения, коэффициент рождаемости, динамика населения

### Number of population and condition of in future in Fergana region

**Resume:** in this article thoughts about the future proposes and expectable changes in population and increasing of Fergana region.

**Key words:** demographic prophesy, number of population, coefficient of birth, dynamics of population

Табиий ўсиш доимий ўзгаришда бўлади. Бугунги кунда жаҳон аҳолиси сони мунтазам ортиб бормоқда. “Жаҳон аҳолисининг ўсиши келажакда аста секин пасайиши кутилмоқда. Ўн йил аввал дунё аҳолиси 1,24 фоиз ўсган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1,1 фоизни ташкил этиб, йилига 83 млн. кишига кўпаймоқда. Жаҳон аҳолиси сони 2030 йилда 8,6 млрдга етиши кутилмоқда<sup>2</sup>”.

“Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган **ижтимоий соҳани** ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда.

Маълумки, аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам

<sup>1</sup>Темиров Зокиржон Абдулвоҳидович – Андижон давлат университети География кафедраси катта ўқитувчиси

<sup>2</sup><http://www.un.org/en/development/desa/population/publications/index.shtml>

таъминланган оилаларни уй-жой муаммоси кўпдан буён қийнаб келарди. Бу оғир ижтимоий муаммога биз деярли эътибор бермай келганимиз ҳам бор гап<sup>3</sup>”.

Шундай экан, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларини қурилишини режалаштириш учун келажакда қанча болалар мактабгача таълим муассасаларига қатнаши мумкин, қанча бола мактаб ёшига етиши ва қанча бола мактабни тутатиб ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларига бориш ҳақидаги маълумотлар зарурдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолиси 32653,9 минг кишига етди<sup>4</sup> (01.01.2018). Ўзбекистон аҳолиси доимий равища кўпайиб бормоқда. Мамлакат аҳолиси сони 1991-2017 йилларда 1,6 баробарга ортган. Таққослаш учун айтиш мумкинки, мазкур давр мобайнида қўшни Қирғизистон аҳолиси сони 1,3 марта, Қозоғистон аҳолиси 1,02 марта, Тожикистон аҳолиси 1,5 марта ҳамда Туркменистон аҳолиси 1,4 марта га кўпая олган. Аксинча, Россия Федерацияси аҳолиси 1,03 марта, Украина аҳолиси 1,14 марта ва Болгария аҳолиси 1,19 марта га камайганини кузатиш мумкин.

Фарғона минтақаси иқтисодиёти ва аҳолини ижтимоий ҳаётининг барча қирралари истиқболини режалаштиришда шу ижтимоий жарёнларнинг қатнашчилари, истеъмолчилари ва яратувчилари ҳисобланган аҳоли гуруҳлари ҳақидаги демографик башорат жуда катта илмий амалий аҳамиятга эгадир.

Аҳоли сонини башорат қилишда кўплаб усул ва методлардан фойдаланилади. Ҳиндистоннинг “Veermata Jijabai Technological Institute” профессори, доктор Паллави Бадри (Pallavi Badri) тақдимотида келтирилган арифметик метод ёрдамида Ўзбекистон ва Фарғона минтақаси аҳоли сонини башоратини ишлаб чиқилди<sup>5</sup>.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

<sup>4</sup><https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks?start=15>

<sup>5</sup>[https://www.slideshare.net/PallaviBadry?utm\\_campaign=profiletracking&utm\\_medium=sssite&utm\\_source=ssslidereview](https://www.slideshare.net/PallaviBadry?utm_campaign=profiletracking&utm_medium=sssite&utm_source=ssslidereview)

Демографик башоратга кўра мамлакат аҳолисини 2020 йилда 33,8 млн, ва 2030 йилда 39,3 млн кишига етишини кўрсатмоқда. Прогнозга кўра, республика аҳолиси 2040 йилда 44,8 млн ва 2050 йилда 50 млн. кишидан ортиб кетади. Ушбу башоратда мамлакат аҳолисининг 2000-2015 йиллардаги аҳоли сони йиллик ўсиш суръатлари ҳисобга олинди. Чунки, 2000 йилдан бошлаб кузатилган туғилиш коэффициентининг барқарор ҳолати 2006 йилгача давом этди. Ундан кейинги даврда туғилиш суръати ортиб бориши кузатилади ва бу ҳолат 2020 йилдан кейин аста-секин пасайиши кутилади деб, ҳисобланди.

1-жадвал

### **Ўзбекистон Республикаси, минтақа ва вилоятлари аҳолиси сони келажак башорати (2020-2050 йиллар)**

Вилоятлар	2000	2015	2020	2030	2040	2050
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>24487,7</b>	<b>31022,5</b>	<b>33782,0</b>	<b>39301,2</b>	<b>44820,3</b>	<b>50339,4</b>
<b>Фарғона минтақаси</b>	<b>6774,9</b>	<b>8856,4</b>	<b>9828,6</b>	<b>11578,7</b>	<b>13717,6</b>	<b>15662,1</b>
Андижон	2186,2	2857,3	3170,5	3734,4	4423,5	5050,0
Наманган	1924,3	2554,2	2852,8	3390,3	4047,2	4644,4
Фарғона	2664,4	3444,9	3805,3	4454,0	5246,9	5967,7
<b>Тошкентминтақаси</b>	<b>4492,5</b>	<b>5129,6</b>	<b>5391,1</b>	<b>5862,1</b>	<b>6437,5</b>	<b>6960,6</b>
Тошкентшаҳар	2142,3	2371,3	2461,8	2624,8	2823,9	3004,9
Тошкентвилояти	2350,2	2758,3	2929,3	3237,3	3613,6	3955,7
<b>Зарафшонминтақаси</b>	<b>4872,9</b>	<b>6213,4</b>	<b>6828,8</b>	<b>7936,9</b>	<b>9291</b>	<b>10522,2</b>
Самарқанд	2670,3	3514,8	3911,8	4626,4	5499,7	6293,7
Бухоро	1419,3	1785,4	1949,8	2245,9	2607,7	2936,7
Навоий	783,3	913,2	967,2	1064,6	1183,6	1291,8
<b>Қўйи Амударё</b>	<b>2826,9</b>	<b>3478,7</b>	<b>3768,9</b>	<b>4291,4</b>	<b>4929,9</b>	<b>5510,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1503	1763,1	1872,1	2068,2	2307,9	2525,8
Хоразм	1323,9	1715,6	1896,8	2223,2	2622,0	2984,5
<b>Мирзачўл</b>	<b>1617</b>	<b>2027,2</b>	<b>2211,6</b>	<b>2543,5</b>	<b>2949,1</b>	<b>3317,8</b>
Сирдарё	642,2	777,1	835,4	940,4	1068,6	1185,1
Жиззах	974,8	1250,1	1376,2	1603,1	1880,5	2132,7
<b>Жанубийминтақа</b>	<b>3903,5</b>	<b>5317,2</b>	<b>6004,9</b>	<b>7242,9</b>	<b>8756</b>	<b>10131,5</b>
Қашқадарё	2166,8	2958,9	3345,2	4040,5	4890,4	5663,0
Сурхондарё	1736,7	2358,3	2659,7	3202,4	3865,6	4468,5

Жадвал Ўзбекистон Республикастистика қўмитасимаълумотлари асосидамуаллифинг хисобкитобларибўй ичтатай ёрланди

Демографик салоҳияти бўйича республикада Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Андижон ва Тошкент вилоятлари муҳим ўрин тутади. Аксинча, Сирдарё ва Навоий вилоятларисалмоғи камроқ, яъни аҳолиси 1 млн кишидан кам. Ушбу вилоятлар аҳолисининг ўсиш суръати нисбатан паст бўлган худудлар гуруҳига киради.

Аҳоли сони динамикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, республика вилоятлари демографик салоҳиятига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Бу вилоятлар ўртасидаги фарқ уларнинг географик ўрни, табиий шароити, ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқади. Шу боис, мамлакатдаги қадимдан ривожланган Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятларида демографик салоҳиятнинг нисбатан юқорилигини кузатиш мумкин. Аксинча, Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларида аҳолининг табиий ўсиш суръатлари пастроқ. Ушбу вилоятлар нокулай табиий шароит, биринчи ўринда чўллар ўрнида пайдо бўлганлиги, чўл шароити аҳоли яшashi учун унча нокулайлиги деб баҳолаш мумкин.

Ишлаб чиқилган башоратга кўра, Фарғона минтақаси аҳолиси 2020 йилда 9,8 млн, 2030 йилда 11,6 млн, 2040 йилда 13,7 млн ва 2050 йилда қарийб 15,7 млн га етиши кутилмоқда. Аҳоли сони мунтазам ортиб бориши билан минтақанинг мамлакат аҳолисидаги салмоғи ҳам ортиб бориши кутилади.

Фарғона минтақаси вилоятларида ҳам келгусида аҳоли сони ортиб бориши башорат қилинади. Минтақа вилоятлари орасида Фарғона вилояти аҳолиси сонига кўра етакчилигини сақлаб қолса, Наманган вилояти аҳоли сонига кўра келгусида ҳам минтақадаги аҳоли сони энг кам вилоят бўлиб қолади.

Бугунги кунда Фарғона минтақасида Ўзбекистоннинг 28,6 фоиз аҳолиси истиқомат қиласди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, минтақанинг мамлакат аҳолисидаги салмоғи 2000 йилга нисбатан 2015 йилда 0,8 фоизга ортган. Мана шу асосда, мазкур башоратда келгусида ҳам Фарғона минтақаси аҳолисининг салмоғи ортиб бориши кутилади. Ҳисоб-китобларга

кўра, минтақа аҳолисининг салмоғи 2030 йилда 29,4 фоиз, 2040 йилда 30,4 фоиз ва 2050 йилда 31,0 фоизга етиши кутилади (2-жадвал). Давр бошига (2017 йил)га нисбатан 2,4 фоизга ортиши кўзда тутилади.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлари аҳоли сони салмоғи (фоиз ҳисобида)**

Вилоятлар	2000	2015	2020	2030	2040	2050
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100
<b>Фарғонаминтақаси</b>	<b>27,8</b>	<b>28,6</b>	<b>28,9</b>	<b>29,4</b>	<b>30,4</b>	<b>31,0</b>
Андижон	8,9	9,2	9,3	9,5	9,7	10,0
Наманган	8,0	8,2	8,3	8,6	9,0	9,2
Фарғона	10,9	11,2	11,3	11,3	11,7	11,8
<b>Тошкентминтақаси</b>	<b>18,3</b>	<b>16,6</b>	<b>16,0</b>	<b>14,9</b>	<b>14,4</b>	<b>13,7</b>
<b>Зарафшонминтақаси</b>	<b>19,9</b>	<b>19,9</b>	<b>20,2</b>	<b>20,2</b>	<b>20,4</b>	<b>20,8</b>
<b>Қўйи Амударё</b>	<b>11,5</b>	<b>11,2</b>	<b>11</b>	<b>10,9</b>	<b>10,8</b>	<b>10,9</b>
<b>Мирзачўл</b>	<b>6,6</b>	<b>6,5</b>	<b>6,5</b>	<b>6,5</b>	<b>6,5</b>	<b>6,5</b>
<b>Жанубий</b>	<b>15,9</b>	<b>17,1</b>	<b>17,6</b>	<b>18,4</b>	<b>19,1</b>	<b>20,1</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика бошкармаси маълумотларидан фойдаланган холда муаллифнинг ҳисоб китоблари асосида тузилган

Фарғона минтақаси аҳолисининг мамлакат аҳолисидаги салмоғи 2015-2050 йилларда 28,6 фоиздан 31,0 фоизга, яъни 2,4 фоизга ортиши кузатилса, республиканинг бошқа минтақаларида аҳоли салмоғи бу қадар ортиб бориши кузатилмайди. Жумладан, урбанизация даражаси энг юқори бўлган Тошкент минтақасининг аҳоли салмоғи 16,6 фоиздан 13,7 фоизга камайиши кузатилса, Зарафшон минтақасининг аҳолиси салмоғи 0,9 фоизга, жанубий минтақанинг аҳолиси 1,3 фоизга ортиши кутилмоқда. Шунингдек, Қўйи Амударё ва Мирзачўл минтақалари аҳоли салмоғида айтарли ўзгаришлар кузатилмайди. Бунда ҳудудларнинг табиий иқлимий шароити муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат миқёсида Фарғона минтақаси вилоятлари аҳоли салмоғи ортиб бориши кузатилади. 2020-2050 йилларда Андижон вилояти аҳолисининг мамлакат аҳолисидаги салмоғи 9,3 фоиздан 10,0 фоизга, яъни

0,7 фоизга ортиши кузатилса, бу кўрсаткич Наманган вилоятида 0,9 фоиз ва Фарғона вилоятида 0,5 фоизга ортиши кутилмоқда.

Фарғона минтақасида аҳолининг 57,4 фоизи шаҳарларда истиқомат қиласди. Минтақа урбанизация даражасига кўра мамлакатда Тошкент минтақасидан кейинги ўринни эгаллаган. Вилоятлар орасида Наманган вилояти 63,4% билан биринчи ўрин, Фарғона вилояти 57% билан иккинчи ўрин ва Андижон вилояти 52,5% билан учинчи ўринни банд этишган.

Аҳоли сонини келажакдаги башорати шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда 2030 йилга қадар шаҳар аҳолиси салмоғи камайиши кузатилса, кейинги йилларда урбанизация даражаси ортиб боради. Фарғона минтақасида эса аста секинлик билан камайиб, шаҳар аҳолиси салмоғи 2020 йилда 55,6%, 2030 йилда 52,7% ни ташкил этиши кутилади. 2040-50 йилларда 52% атрофида бўлишлиги башорат қилинади (3-жадвал).

3-жадвал

### **Ўзбекистон республикаси вилоятлари ва минтақаларининг урбанизация даражасини келажакдаги башорати**

Вилоятлар	2011	2015	2020	2030	2040	2050
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	51,1	50,7	50,3	50,9	56,8	61,6
<b>Фарғонаминтақаси</b>	<b>58,2</b>	<b>57,6</b>	<b>55,6</b>	<b>52,7</b>	<b>51,7</b>	<b>51,9</b>
Андижон	53,1	52,5	51,0	48,1	47,9	48,5
Наманган	64,3	63,4	60,4	57,0	55,0	54,6
Фарғона	57,3	57,0	55,4	53,2	52,4	52,6
<b>Тошкентминтақаси</b>	<b>74,9</b>	<b>74,4</b>	<b>74,9</b>	<b>73,6</b>	<b>74,7</b>	<b>75,7</b>
<b>Зарафшонминтақаси</b>	<b>41,4</b>	<b>41,7</b>	<b>42,1</b>	<b>37,9</b>	<b>43,4</b>	<b>45,3</b>
<b>Қўйи Амударё</b>	<b>41,7</b>	<b>41,0</b>	<b>41,7</b>	<b>39,3</b>	<b>41,7</b>	<b>43,9</b>
<b>Мирзачўл</b>	<b>44,6</b>	<b>45,2</b>	<b>45,2</b>	<b>46,3</b>	<b>47,3</b>	<b>48,7</b>
<b>Жанубий</b>	<b>39,9</b>	<b>39,4</b>	<b>38,6</b>	<b>32,9</b>	<b>37,4</b>	<b>39,2</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика бошкармаси маълумотларидан фойдаланган холда муаллифнинг хисоб китоблари асосида тузилди

Башоратларга кўра келгусида республика, жумладан Фарғона минтақаси аҳолиси сонида қўйидаги ўзгаришлар бўлиши кутилади:

Мамлакатда, шунингдек Фарғона миңтақасида келгусида аҳоли сонининг ортиши, миңтақанинг демографик сифими катталашиб боради;

Миңтақада урбанизация даражасининг юқорилиги сақланиб колади. Келгусида миңтақанинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши ва аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида кўплаб қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақомини берилиши урбанизация даражасини янада юқори бўлишида муҳим омил ҳисобланади;

Аҳоли сонининг ортиб бориши миңтақада аҳоли зичлигини янада ортишига олиб келади. Бу эса ишсизлик, ер-сув ресурслари танқислиги каби қатор ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни кескинлаштириб юборади;

Миңтақада табиий, иқлимий, экологик, ижтимоий-иқтисодий, демографик омилларни эътиборга олган ҳолда саноат тармоқларини ривожлантириш муҳим.

#### **Адабиётлар:**

1. Қодиров Р.Б.Фарғона водийсида меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик асослари ва аҳоли бандлиги муаммолари. –Т.: Фан, 2016
2. Солиев А.А. Ўзбекистон географияси. – Т.: Университет, 2014
3. press-service.uz
4. <http://www.un.org>
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
6. <https://www.slideshare.net>